

O'ZBEKISTON

O'VOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2005-YIL • 15-FEVRAL • SESHANBA • 19 (27.354) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



Баркамол авлод орзуси



Чироқчи туманидаги Кўдала иқтисодиёт коллежидан 800 нафардан ошди талаба турли мутахассисликлар бўйича тахсил олмақда. Коллеж давлат таълим стандартларига жавоб берадиган замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Компьютер синфи, лингафон хонаси, ўндан ортик фан кабинетлари, барча қулайликларга эга бўлган 100 ўринли ётоқхона, спорт зали талабалар ихтиёрида.

— Айниқса, маънавий-маърифий ишларга катта эътибор қаратганмиз, — дейди коллеж директори Мўминхон Азимов. — Кутубхонамизда ўн мингга яқин китоб мавжуд. Коллежмизда ўтказиладиган турли хил тадбирлар талабаларимизни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

Суратларда: тарих фани ўқитувчиси Исмоил Юсупов дарс жараёнида; талабалар Лобар Нурматова, Феруза Турдиева, Сурайёе Сориёева.

Абдурашул ПАРДА олган суратлар

БОБУР РУҲИ ЁД ЭТИЛДИ

Куни кеча шох ва шоир бобомиз Захриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 522 йиллиги Андижонда ўзгача руҳда нишонланди. Эрта тондан шаҳар марказидаги Бобур ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Шундан сўнг байрам тадбирлари шоир номидаги вилоят театрига кўчди.

Кўптул сана муносабати билан бу ерга республикамизнинг кўзга кўринган олим ва жамоат арбоблари, таниқли шоир-ёзувчилар ҳамда Бобур ижодининг мухлислари йиғилдилар. Маросимда қатнашган Андижон вилоят ҳокими Сайдулла Бегалиев бу улуг аждодимизнинг инсоният тарихида ўзига хос ўрни борлиги, жаҳоний цивилизацияга катта таъсир кўрсатган давлат арбоби ва шоир экани ҳақида тўхталиб, бир неча шарҳ халқлари маданиятларининг уйғунлашувида унинг хизматлари

ри бениҳоя улканлигини таъкидлади.

Шуни айтиш керакки, истиқлол йиллари Бобур хотирасини тиклаш борасида Андижонда ҳам том маънода улкан ишлар қилинди. Шаҳарнинг энг баҳо ва сўлим гўшасида Боги Бобур бунёд этилди. У ерда музей ҳам ташкил қилиниб, шоирнинг рамзий қабрига ҳоки қўйилди. Айни пайтда бу жой нафақат андижонликларнинг, қолаверса, кўпбал хорижий сайёҳ ва меҳмонларнинг севимли зиёратгоҳига айланган.

Тадбирда академик Азиз Қасимов, афғонистонлик оlima Шафиқа Ёркин ва бошқалар сўзга чиқиб, Бобур Мирзонинг ҳаётлигида амалга оширган кўпбал ишлари, яратган дурдона асарлари келажак авлодларга ҳам ўрнак ва сабоқ бўлиб қолиши хусусида гапирдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 15 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	839,29	1 Поляша злотийси	345,08
1 Англия фунт стерлинги	2006,44	1 СДР	1610,60
1 Дания кронаси	185,81	1 Туркия лираси	810,79
1 БАА дирхами	290,96	1 Швейцария франки	889,78
1 АҚШ доллари	1068,62	1 ЕВРО	1382,47
1 Инер фунти	185,67	10 Жанубий Корея вони	10,41
1 Исландия кронаси	17,09	10 Япония иенаси	101,82
1 Канада доллари	866,47	1 Россия рубли	38,07
1 Хитой юани	129,11	1 Украина гривнаси	201,64
1 Малайзия рингити	281,25		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Мамлакатимиз Президентини Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси жойларда чуқур ўқиб-ўрганилмоқда. Маърузада қўйилган вазифалар муҳокама қилиниб, уларни амалга оширишга қаратилган чоратадбирлар белгилаб олинмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюмис раиси, Сенат аъзоси Абдулла ОРИПОВ ЎЗА мухбири билан мулоқотда бу борада қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Давлатимиз раҳбарининг дастурий маърузасида халқимиз истиқлол йилларида ҳаётбахш ислохотларимизнинг муайян босқичларида эришган ютуқларга яқин эътибор қилиниб, қандайдир амалга оширилмаган асосий вазифалар белгилаб берилди. Эришган ютуқларимизнинг ҳам, амалга оширилгани ҳам кўламини беҳад кенг, аҳамияти жуда катта, моҳияти эса ниҳоятда теран. Қайси соҳани олманг, хоҳ иқтисодий-ижтимоий, хоҳ маънавий-маърифий йўналиш бўлсин, барча жабҳада мустақиллик йилларида улкан ўзгаришлар юз берганига гувоҳимиз.

Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган мустақкам тинчлик-осойишталикнинг самарасидир. Биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталик учун шукроналик айтмоғимиз керак. Шу таҳликали замонада бунга эришиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Буни ҳар биримиз билмоғимиз ва қадрига етмоғимиз лозим. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Президентимиз юритаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Бирок, халқимиз эришаётган ютуқларни кўролмаётган, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка раҳна солишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай қушлар, биринчи галда, ҳали етарлича ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, оқ-қорани яхши танимайдиган ёшларни тўғри йўлдан оғдиришга ҳаракат қилаётгани ҳам сир эмас.

Шунинг учун биз, ёши улуглар — ота-оналар, устоз-мураббийлар, маҳаллалар оқсоқоллари фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, таълим-тарбия ишига энгил-елли қарамаслигимиз керак.

Бу дунё бозорга ўхшайди. Кимдир унга бораётган

Маржонбулоқ қонида сўнгги икки йилда руда қазиб чиқариш ҳажми кескин ошди. 2002 йилда бу ерда ойига 15-20 тонна руда қазиб олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 40-45 тоннани ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Маржонбулоқ қони 2002 йилнинг май ойида Навоий тоғ-металлургия комбинатининг Жанубий қон бошқармаси таркибига киритилган эди. Бу ўзгариш корхонанинг оёққа туриши учун туртки бўлди.

ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

— Навоий тоғ-металлургия комбинати таркибига қўшилганга қадар қоннинг иқтисодий таъназулдан чиқиб кетишига кўпчилик ишонмай қўйганди, — дейди Маржонбулоқ қони директори Мамат Ҳамроев. — Комбинат корхонани ўз тасаруфига олган, мавжуд муаммолар ҳал этилди, ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Ўтган икки йил давомида қайта ишлаш корхонасидан қонгача бўлган беш километрлик йўл таъмирланди. Ишлаб чиқариш иншоотлари янгиланди. Руда қазиб, бурғулаш, юклаш, ортик техникалари, энергия ва сув таъминоти тармоқлари тўлиқ янгиланди.

— Бу катта ишларнинг бошланиши, — дейди қон директори. — Ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун қўлай имкониятлар яратди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

Абдулла ОРИПОВ:

ЭЛ-ЮРТИНГА МУНОСИБ БЎЛ



бўлса, кимдир қайтаётир. Бозордан қайтаётганлар — биз, ёши улуглар, турмушнинг ағчик-чўчғини татиغان, ҳаётини таърибга эга одамлардир. Бозорга бораётганлар эса онг-шуури, дунёқараши ҳали тўла шакланмаган, масъум ёшларимиз. Халқимизнинг одатига кўра, биз бозорда кўрганларимизни унга бораётганларга айтишимиз керак: «Ўриёлғончи, фирибгарнинг домига тушиб қолма, адашма, эҳтиёт бўл!» — дея оғоҳлантirmoғимиз шарт.

Мен орзу қиламанки, қанийди ҳар бир ота-она бу дунёдан кетар чоғида фарзандини ёнига чақириб: «Мен сени ҳалоллик билан улғайтирдим. Бошингни кўтариб юр! Эл-юртингга муносиб бўл!» дея олса. Бундай ота-онанинг икки дунёда ҳам юзи ёруғ бўлиши шубҳасиз.

Мустақиллик фарзандлари — руҳан янги авлод. Билимда ҳам, илмда ҳам, яшашу интилишида ҳам дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган йиғит-қизлар. Улар тўн ҳам қияди, галстук ҳам тақиб юради. Истиқлол туфайли миллий ўзлигини тўла англаб етиш имкониятига эга, дунё билан бе-малол тиллашаётган ва тенглашаётган бахтли авлод.

Юртбошимиз айтидики, фарзандларимиз биздан кўра билимли, ақлли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт. Бугун Ўзбекистонда ҳамма нарса ана шу улуг мақсадга йўналтирилган. Юртимизнинг қайси бир вилояти, қайси бир туманига борманг, ҳайди бириктириб турган муҳташам коллежларга кўзингиз тутади. Мен кўпинча уларни Хиндистонда Бобурийлар барпо этган, дунёнинг етти муъжизасидан бири — Тож Маҳалга ўхшатаман. Уларда оддий чўпону деҳқоннинг, ишчи хизматчининг фарзандлари замонавий билимларни эгаллапти. Бобомиз Хоразмий ўйлаб топган алжабр асосида яратилган компьютерни ўрганапти.

Дарвоқе, даҳлар ҳақида гап кетганда таъкидлаб ўтай:

улугларни бировдан қарз оладиган жойимиз йўқ. Чорвадор аҳли орасида шундай нақл юради. Етим кўзи кўринган қорани онам деб изидан эргашиб кетаверар экан. Биз ҳеч қачон етим кўзи бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам. Фарзандларимиз, аввало, ана шу олий ҳақиқатни яхши англаб етишлари керак. Беруний, Амр Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби боболарини таниган ўспиринга қандайдир чет эллар радиолари ақл ўргата олишига ишонмайман. Хорижда, айниқса, Шарқ мамлакатларида «Мен имом Бухорийнинг юртданман!» десангиз, сизни барча бошига кўтаради. Чунки, Қуръони каримдан кейинги китоб — Ҳадиси шарифни яратган зот ўзбек олимидир.

Оққан дарё қаверани, деган ҳикматга ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўтган 14 йил мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти даврасида бўш турган ўз ўрнини эгаллади. Бизни ҳурмат қиладилар, биз билан ҳисоблашадилар. Булар ўз-ўзидан рўй бераётгани йўқ, албатта. Бунинг замирида буюк ва фидокорона меҳнат, улкан маданият ва иродаси улуг Шахс турибди.

Юртимиз истиқлолнинг ўз муаллифи, яловбардори бор. Бу яловбардор Ислоом Каримовдан бошқа одам бўлганида Ўзбекистон деб аталмиш улкан кемами ким билсин қайси томонларга бошлаб кетиши, халқимизнинг бошига не бир кулфатлар солиши мумкин эди. Юртбошимиз йўл бошидаёқ Ўзбекистонимиз тараққийнинг пайи қирқилиб, бошига бундан бугун халқимизнинг пайи қирқилиб олди олинади.

2-БЕТ

САМАРҚАНД ВА ЛЬЕЖ БИРОДАРЛАШДИ

Ўзбекистон ва Бельгия муносабатлари тарихида эътиборга молик воқеа рўй берди — Самарқанд ва Льеж шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди

Льеж — Бельгиянинг йирик саноат шаҳри, тарихий ва маданий марказидир. Унинг аҳолиси 500 минг кишига етади. Льеж ва Ўзбекистон ўртасидаги ришталар узоқ тарихга эга. Солномаларда битилишича, шаҳар VIII асрда муқаддас Ламберт қабри пойида зиёратчилар қўним топадиган жой сифатида барпо бўлган. Муқаддас Ламберт жасади хориждан келтирилган қимматбаҳо ипақдан тўқилган гиламга ўралган экан. Ўтган асрда европалик тарихчилар ва тўқимачилик соҳасидаги мутахассислар ушбу гилам Бухорода тўқилганини аниқлашди. Ҳозирги кунда у шаҳарнинг асосий қадамжоларидан бири бўлмиш муқаддас Павел собори музейида сақланмоқда.

Ўтган йили Льеж музофоти губернатори бошчилигидаги хайъат Самарқандга ташриф буюрган эди. Яқинда эса Льеж мэри тақлифига биноан Самарқанд шаҳри хайъати ҳам Бельгияда бўлди. Мазкур ташриф доирасида Самарқанд ва Льеж ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Бельгия бош вазирини унинг муноса-

бат билан «Жаҳон» АА муҳбирига интервью бериб, шундай деди:

— Самарқанд ва мен туғилиб ўсган шаҳар ўртасида дўстлик ришталари ўрнатилгани менга мамнуният ҳиссини бахшида этди. Мен сўнгги йилларда икки марта Ўзбекистонда бўлиб, Самарқанднинг буюклиги ва қудратли салоҳиятига гувоҳ бўлдим. Мазкур битим доирасида гуманитар, илм-фан, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувлар йўлга қўйилди.

Самарқандликларнинг Бельгияга ташрифи давомида дўстлик ришталари Самарқанд университетининг ўртасида ҳам ҳамкорлик битимига имзо чекилди.

Самарқанд ва Льеж шаҳарлари биродарлашгани Бельгия матбуотида кенг ёритилди. «Ле Жур» газетаси ушбу воқеага изоҳ бериб, «Самарқанд хаттоки ўзининг номи билан ҳам киши тасавуруни камраб олади» деб ёзди. «Ле Суар» газетаси эса Самарқандга «кўёш нуруларига қамранган, гўзалликда кўзни қамаштирадиган шаҳар» дея таъриф берган.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА, Брюссель

ЯНГИ ХИЗМАТ ТЕХНИКАЛАРИ

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олишда божхона хизмати ходимларининг ҳиссаси катта. Бунинг учун барча божхона постларини замонавий хизмат техника асбоб қурilmалари билан етарлича таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг жанубида жойлашган Сурхондарё вилоятидаги «Айритом» божхона назоратини ўтказиш мажмуига хориждан келтирилган хизмат техникалари топширилди.

«Айритом» божхона назоратини ўтказиш мажмуиси нафақат Ўзбекистон ва Афғонистон мамлакатлари дўстлигини мустақамлаш, балки дунё халқлари тинчлигини сақлашда ҳам катта ҳисса кўшмоқда. Терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши кураш мажмуа ходимларининг асосий вазифасига айланган.

Албатта ҳар томонлама

замонавий имкониятлар яратилгандагина бу масъулиятли вазифа муваффақиятли удаланади. БМТ ташаббуси билан Айритомга икки миллион АҚШ доллари қийматига эга бўлган хизмат техникалари келтирилди. Кунни кеча Норвегия, АҚШ ҳамда Финляндия мамлакатларининг беғараз ёрдамлари мажмуа жамоасига топширилди. Тадбирда хорижлик меҳмонлар билан бирга, Ўзбекистон Миллий хавфсиз-

лик хизмати Чегара қўшинлари кўмондонлиги, республика Божхона қўмитаси вакиллари иштирок этди. Келтирилган хизмат техникаларининг тури кўп. Энг муҳими, ушбу техникалар иш самарадорлигини янада оширади ва аср вабосига айланган бораётган гиёҳванд моддаларнинг пайи қирқилиб, уюшган жиноятчиликнинг олди олинади.

«Туркистон-пресс»

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI!

Тel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Bija@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'lari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ALQABANK — aniq, tez, ishonchli!

Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Абдулла ОРИПОВ:

ЭЛ-ЮРТИНГГА МУНОСИБ БЎЛ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу Юртбошимизнинг: «Биз ҳеч қандам кам бўлмаганимиз ва кам бўлмаймиз ҳам!» дея фахр-ифтихор билан айтган гапларини ёдга солмайди. Утган йили Самарқанд шаҳрида «Ёшлар маркази» очилганида мен доноларча айтилган бу гапни хот-от эсладим. Негаки, ёшларнинг замонавий қасридан сал нарида қадимий Регистон қад ростлаб турибди.

Биз қадимдан тугиб, экиб-ундириб, яратиб ўрганган бунёдкор халқимиз. Бундай иншоотларни кўчманчи халқлар кура олган, бильёкс, давлатчилиги, илму маърифати мустаҳкам, жаҳон тамаддуни тараққиётга ўз таъсирини кўрсата олган халқ, миллатгина кура олган.

Эришадган ютуқларимизни кўралаётган кўчманчиликни эътиборга олиш керак. Бу «ёшлар маркази» турфа найраг билан ўз домига тортиши. Биринчи демократияни ўргатаман, деб чалғитди. Иккинчиси — динни. Асл мақсади эса халқнинг ўртасига кутку солиш, болани — отага, каттани — кичикка, халқни давлатга қарши қўйиш.

Келиб бошимизга кўндримокка уринадилар. Бошқача айтганда, гўё ўзбек ўғлонидан шотландиялик эркаклар каби юбка кийиб юришни талаб қилдилар.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий либоси, анъаналари бўлгани каби, демократияга ҳам ўзига хос ёндашуви бўлиши табиий. Масалан, демократия ва адолат билан иш юритувчи маҳалла муассасаси, тушунчаси фақат ўзбекистонда, ўзбекларда бор. Маҳаллаларимиздаги одатга кўра, оқсоқоллар фикрига қўлак солиш диктатура эмас, ҳурмат, одоб белгисидир. Ҳурмат-иззат бўлмаган жойда демократиядек мўтабар тушунча шаллақилликка айланмайди! Дейлик, мен Европуга бориб, бу ерда маҳалла йўқ экан, демократия ҳам йўқ, десам, қандақ бўларкин.

Динни ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида ниқоб қилиб олган айрим оқимлар вакиллари аёлларни, оналарни фарзандларига, оиласига қарши қўйишга уринаётгани янада аянчли.

Халқимиз фақат Аллоҳ билан онага топиниб келган. Бу аёлга, онага нисбатан буюқ ҳурмат ифодасидир. Ота-боларимиз онасининг, қизининг қўлини совуқ сувга урдирмасликка уринган, ахлу аёлини аяган. Бугун шу аён-

ана давом этаётганини кўрган айрим демократия пешволари: Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари чекланган, деб жар солишдан уялмаяпти.

Бугунги ёшлар Фарбдан бошлана излаб юрган «дохийчалар»дан, Афғонистонда бангиларга югурдаклик қилиб умр ўтказётган чаламуллалардан эмас, Ўзбекистонимизнинг байроғини баланд кўтарётган Рустам Қосимжонов, Мухаммадқодир Абдуллаев, Ирода Тўлаганова каби йигит-қизлардан ибрат олсинлар!

Одам тоққа қокимайди, тошга қокинади. Илоё, тошга қокимайди.

Агар барчамиз ҳамжиҳат ва аҳил бўлсак, Ватанимизни суйсак, Юртбошимизнинг атирофида янада жиқлашсак, ўзбекни ҳеч қанча қокимайди. Душман орамиздан чиқади. Унинг номи маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва бефарқликдир. Тарихни унутмайлик: бир ҳонлигимизни ёв босганида қолган икки ҳонлигимиз томошабин бўлиб қараб тургани — миллатнинг бўлинишига аянчли мисол эмасми!

Инсоннинг табиати шу: турмушдаги муаммолар дарҳол ечилиб, Аловуддиннинг дас-турхониди каби ҳамма нарсна бир зумда муҳайё бўлишни истайди. Лекин ёшт устига ёшт қўйиш учун ҳам

фурдат керак-ку!..

Ўзбек кураши илғари чет-чеккада, тўй-ҳашамда эса тушадиган машғулот эди. Истиклолимиз шарофати билан унга давлат эгаллик қилди. Унинг дунё бўйлаб кенг ёйилишида Президентимиз Исроил Каримовнинг ўзлари бош-қош. Бугун саксонга яқин мамлакат курашни спорт тури сифатида расман тан олган ва кураш бўйича ўз миллий федерацияларини тузган. 12-13 йил илғари бундай гаплар тўшимизга ҳам кирмас эди.

Бир кун самолётда сафардан қайтаётган эдим. Ёнимдаги ҳамроҳим қўшни мамлакатлардан бирининг вакили экан. Қўлида газетага имо қилиб, мақтаниб қолди: «Кўринг, бизда демократия мана шундай кенг тарқалган». Қарасам, ўша мамлакат раҳбарининг эшакка миндириб қизилган масҳарали расми.

«Президент — юртинг отаси, — дедим, — ўларинг — бутун халқ — овоз бериб сайлагансизлар. Кишининг ўз отасини масҳара қилиши Шарқда демократия мезони эмас, ўта кетган адабсизлик ҳисобланади. Шарқ Фарбдан ўзининг донолиги ва назоқати билан ажралиб туради. Каттага ҳурмат, кичикка иззат эса ана шундай доноликнинг бир кўриниши. Отангни масҳара қилганинг учун мақтанма-да, ошна.»

Ҳамроҳим қўлидаги газетани гижимлаб ташлади: «Юртимга борайин, шу газетанинг редакторини ейман!»

Биз, ўзбеклар робинзонлар эмасми.

Мамлакатимиз ҳудудидан археологик қазишмалар олиб борган баъзи олимлар Чағониён, Ерқурғон, Кампиртепа каби жойлардан топилган ашёларни бутпарастлик, оташпарастлик сингаи ташқи дунё таъсирларининг ўзига хос кўриниши сифатида таърифлайди. Аслида эса улар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тамаддуни — цивилизацияси мавжуд бўлганлигидан яққол далиллардир. Бу тамаддун замирида тўб жой аҳолисининг маънавияти, маънавий-маърифий, мадания аниқлиги ўзифодасини топан.

Бунга ким шубҳа қилса, неча минг йиллик қалъа-қасраларимизни, қадимий қорлардан топилган ранг-баранг расмларни бориб кўрсин. Энг қадимий шахмат тошлари бизнинг заминимизда топилган. Суяқдан ясалган энг қадимий най илк бор ўзбек заминида наво таратган. Буларнинг бари ўзининг мустақил давлатчилиги, гуркираб ривожланган маданияти, тамаддуни мавжуд жойдагина пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам шарқларимизнинг ёши бир-бирдан катта чиқаворади. Ёши аниқланмаган неча қўшунларимиз эса навобат кутиб турибди.

Фарзандларимиз ўзларини улуг халқнинг фарзанди сифатида ҳис қилганида мана шундай жиҳатларга эътибор берсин.

Қ.ОЧИЛОВ ёзиб олди (ЎЗА).

ЎзХДП янгилликлари

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Ўзбекистон ХДП Фориш туман кенгашида партиядан халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашига сайланган депутатларнинг йиғилиши бўлди. Унда партия кенгаши биринчи котиби И.Юлимов Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги Президентимиз маърузадан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гапирди. «Соғлом авлод учун» жағмармаси вилоят бўлими раиси, Сенат аъзоси Н.Каримова, туман Кенгаши депутати, Фориш ўрмон хўжалиги раҳбари Э.Қозоқов, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби Ж.Исроиллов гаўдаги вазифалар ва Юртбошимизнинг маърузасини жойларда ўрганишни ташкил қилиш ҳақида тўхталиб ўтилди.

Жиззах шаҳридаги пластмасса заводида Президентимиз маърузасини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ХДПдан вилоят Кенгаши депутати, ўшбу завод директори Х.Хусанов нутқ сўзлади. Шунингдек, йиғилишда пластмасса заводидаги ХДП бошланғич ташкилоти етакчиси Ф.Абдуллаева, завод хизматчиси У.Каримов ва бошқалар маърузада халқимиз келажаги ривожига бағишланган масалалар, белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳар бир кишининг иштироки тўғрисида гапирди.

Хонка туманидаги Алишер Навоий номили 8-мактабда «Навоийхонлик» кечаси бўлиб ўтди. Туман ҳокимилиги, Ўзбекистон ХДП Хонка туман кенгаши ва «Камолот» ЕИҲ т-

ман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ўшбу тадбирда мактаб ўқувчиларидан иборат «Алишер», «Навоий», «Фоний» гуруҳлари Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кизиқarli беллашув ташкил этдилар. Тадбир ниҳоятда кечани ташкил қилган ўқувчи ва ўқувчиларга ХДП Хонка туман кенгаши ва «Камолот» ЕИҲ бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Гурлан туман марказий кутубхонасида улуг мутафаккир Алишер Навоий таваллуд кўни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. ХДП туман кенгаши ҳузурдаги ижодкор ёшлар маркази аъзолари ҳамда 2- ва 4-сон мактаб ўқувчилари томонидан намойиш қилинган Навоий ижодига бағишланган шеърлар, куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари барчани хушнуд этди.

Ўзбекистон ХДП Ўзбекистон кенгаши ва болалар спортини ривожлантириш жағмармаси туман бўлими ҳамкорлигида Навоий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича мусобақа ташкил қилинди. Қолиб ва совриндорларга ҳомиеларнинг совғалари топширилди.

Янгиариқ туман партия кенгаши туман хотин-қизлар кўмитаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида давра суҳбатини ўтказди. Унда иштирок этганлар аёлларнинг жамиятдаги ўрни, жойларда аёлларга бўлган муносабат ҳамда бу борада Президент Фармони, ҳукумат қарорининг ижроси тўғрисида фикрлашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР...

Машинасозлик заводи — Навоий тоғ-кон саноатининг таянч нуқтаси. 3,5 минг нафардан зиёд кон ишчилари, саноатчилари, муҳандис мутахассислари меҳнат қилаётган қорхона нафақат Ўзбекистонда, қолаверса, Ҳамдустлик мамлакатларида ҳам ягона. Ер ости ва ер усти қазилма бойлиқларини ўлаштиришда, кон-бурғулаш, тоғ жинсларини майдалаш, маъдан саралаш ишларида асқотувчи жаҳон стандартларига мос

енг илгор технология ва асбоб-ускуналар шу ерда тайёрланади.

Бугина эмас. Эндиликда навоийлик машинасозлар энг оғир станоксозлик саноати, токарлик дастгоҳлари тайёрлаш тизимини ҳам мукаммал эгаллаб олишти. Бир пайтлар Россия, Белоруссия, Украинадан катта-катта харажат эвазига сотиб олинган «3-Н-340» русумидаги қўриқш ва сайқалаш, «21-Н-16» русуми люқори босимли фрезерлаш,

«НФ-630» русумидаги токарлик ёхуд «СДУ-1» дурадгорлик дастгоҳлари ҳам бугун Навоийда ишлаб чиқарилапти.

— Нафақат станоксозлик, — дейди завод бош директори Николай Локкай, — ҳатто Украинада ишлаб чиқарилаётган ёнгина қарши замонавий техника воситаларини ҳам ўзимизда йиғишни ўлаштириб олдик.

«Излаган имкон, топиди», дегани шу бўлса керак-да.

Музаффар ШАРОПОВ

Диққат, янги рукн:

«ШУ КУННИНГ МУАММОСИ!»

Луқма

«ТЕКШИРИБ КЎРАМАН...

Кейинги йилларда коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ҳамда унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини кенг жорий этиш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётгани, зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилаётгани, уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизмат идораларини ўртасида шартномавий муносабатлар бўйича янгилликлар бўлмоқда.

Бироқ, мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Қўшма мажлисида қилган маърузасида ҳамда яқинда — 10 февраль кўни имзо чеккан «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қароридан ташкилланган ижтимоий, уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этиш жараёни ҳамон суст кечмоқда. Улар фаолиятини нисбатан юзаки олиб борилапти. Ширкатлар бошқаруви тасодифий кишилар қўлига ўтиб қолмоқда. Айниқса кўп

қаватли уй-жой фондларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ниҳоятда қонқарсиз аҳволда: уйларида чакки ўтмоқда, ер тўлаларини сув босган, қувурлар тез-тез тешилиб турибди, электр энергиясида узиллишлар бўляпти. Иситиш қурилма-лари носоз ишлатилаётганили тўғрисида хонадонларга етарли иссиқлик бормаяпти. Ҳатто кўп қаватли уйларида лифти йўқ, йиллаб ишламаётган. Боз устига кўрсатиллаётган коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг тўлов интизомини паст.

Айни пайтда, баъзан коммунал хизмат тарифларининг асосиз ўсиб кетиши ҳолатига ҳам йўл қўйилмоқдаки, бу эса истеъмолчиларнинг вақтида ва тўла ҳисоб-китоб қилишлари учун муайян қийинчиликлар туғдиrhoқда. Коммунал тармоқларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш, қайта жиҳозлаш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш ишлари пайсалга солинмоқда. Бу борада ҳам Давлатимиз раҳбарининг «Коммунал хизматлар та-

рифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (11 февраль) қарорини матбуотда эълон қилинганда хабардорсиз, албатта.

Дарвоқе, бу муаммолар ечимини қилиш учун қайтар турган айни шу кунларда ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг тахририятимизда жойлардан келаётган шикоятларда ва мухбирларимиз йўллаётган танқидий хабарларнинг мазмун-мунозарияларида ҳам кўриб турибмиз.

Шу муносабат билан бугун биз янғидан очилаётган рукнимиз — «ШУ КУННИНГ МУАММОСИ» остида бундан бўён шу мавзуда ва одамларини ташвишга солаётган, хотиржам ишлаши, яшашига тўқинлик қилаётган муаммоларини изчиб ёрйтиб боришни ва масалага тегишли раҳбарлар, мутахассислар ҳамда мутасаддилар эътиборини қаратишни лозим топдик.

БУ КЎЧА ҲИСОБОТИМИЗДА ЙЎҒ-У...

— Сергей Леонардович, аввал сизга бир савол ва кейин бир шикоят ҳам бор, — қўнғирок қилдик «Тошкентлифт» трест бошқарувчиси С.Л.Дайбловскийга.

— Эшитаман.

— Президентимизнинг республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида қилган маърузаси билан танишиб чиққан бўлсангиз керак?

— Танишган бўлсам керак... (жавобга эътибор қилингиз!)

— Уй-жой коммунал хизмати ҳақида, хусусан, Тошкент шаҳри мисолида анчаин гап-сўзлар бўлди...

— Ҳа, айтишаётганда. (Демак, ўқимаган, кимлардандир эшитганга ўхшайди.)

— Ҳўп, майли..., энди шикоятни эшитинг: Яққасарой туманидаги Юнус Ражабий кўчаси, 70-уйнинг 6-йўлиги лифти 21 январдан бўён ишламаётган экан. Уша йўлакдаги хонадонлардан бирида яшовчи Машҳура Раҳмонова шикоят билан келди. Нима жавоб берамиз?

— Менда бу кўча ҳақида ҳисоб-от йўқ, аниқлаб кўраман... («текшириб кўраман», демок). Эртасига яна қўнғирок қилдик.

— ...Текшириб кўрдингизми?

— Герман Лопатин кўчаси... Наврўз кўчаси..., ҳам..., Юнус Ражабий кўчаси «отчёт»да йўғ-у... Ҳафсаламиз пир бўлиб, тушунтиришга уриндик: Герман Лопатин кўчасининг номи мустақиллик йилларининг бошидаёқ ўзгартирилиб, «Наврўз» деб аталгани рост. Лекин шаҳарда бу номда бошқа кўчалар ҳам борлиги инобатга олиниб, 10-12 йилки, Юнус Ражабий кўчаси деб қайта номланган. Маҳалла ҳам Юнус Ражабий номи билан юртилади...

— Мен яна текшириб кўрай...

Эртасига трестга яна қўнғирок қилдик: бир эмас, тўрт-беш бор... Бошлиқни «тўтиб» бўлмади.

— Қаердансиз? Ким, нима масалада? — сўрайди ҳар гал котиба.

— Тажриятдан.

— Ҳозир кўрай-чи...

Ва ҳар гал бир хил жавоб: «Чиқиб кетибди, йўқ эканлар» (бошлиқ билан келишиб олади, шекилли).

— Нима, бошлиқнинг хонасида эшик иккитамиди? Бошқасидан чиқиб кетиши ҳам мумкинми? Котиба жим.

— Синглим, балки хабарингиз бордир. Кеча Сергей Леонардович ёзиб олгандилар... Юнус Ражабий кўчаси...

— Ҳа-ҳа, хабарим бор, бош инженер Геннадий Павлович Шаповалов билан гаплашаётганда. Сиз айтган йўлак лифтининг «катушка»си қўнган экан. Энди унга янғидан сим ўраш керак. Сим бизда ҳозир йўқ, Бурулма берсак, сим келса, ўраб беришади...

— Қачон, баҳоргачамми ё ёзгачамми?

— Унчалик чўзилмасов, нари бурса, 2-3 hafta...

— Нима, бутун бошли Тошкент шаҳри — мамлакат пойтахтида бир катушкага еттулик сим топиб бўлмасмикан? Котиба яна жим.

— Кечирасиз, исми-шарифингизни айтинг?

— Анжелика Королёва.

— Яши, Анжелика, мана бу манзилгоҳларни ҳам ёзиб олинг: Чилонзордаги 20-мавзе, 20-уйнинг ҳамма йўлакларини лифти 2 йилдан бўён ишламас экан. Юнусободдаги 11-мавзе, 2-уй, Сирғалидаги «Спунтик-16» 6-уй, ҳуллас ўнлаб уйлар... Бошлиққа салом деб қўйинг!

Котиба раҳбарга гапимизни етказдимми, йўқми, буниси бизга қоронғу. Аммо масалани ўрганиб, чора кўраб деган умиддамиз. Ҳар ҳолда лифт мўаммоси пойтахтимизда оз эмас. Қолаверса, яқинда матбуотда эълон қилинган Давлатимиз раҳбарининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини билан ҳам танишгандир...


Зора!

НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ҚАРОРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

ЛЕКИН БУГУН НИМА ҚИЛАЙЛИК? — ДЕЙИШМОҚДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИНИНГ «ИТТИФОҚ» МАҲАЛЛАСИДАГИ 17- ВА 18-КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАР

«Иттифок» маҳалласи шаҳарда энг катта маҳаллалардан саналади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамажон Ҳасановнинг айтишича, ҳудудда 65 та уй бўлиб, уларда 15.600 нафар аҳоли истиқомат қилади ва бу уйлар 14 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарайди. Ҳўш, айни пайтда бу ердаги кўп қаватли турар-жой уйлари фондини бошқариш, улардан фойдаланиш ва сақлашнинг аҳволи қай даражада? Қиш қилишини қайратган, совуқ заппига олган шу кунларда аҳоли иссиқлик энергияси, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, коммунал-маиший хизматдан қонқиқ хосил қилаётганими?



Президентимизнинг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини, биласизми, худди халоскорни қутиб олгандек кутиб олдик. Анчадан бўён бизни қийнаб келаётган муаммоларни энди ечимини топишга ишонамиз. Лекин ҳозир нима қилайлик, чидаб ўтираверайликми?..

— Биз яшайдиган 17-уйнинг биронта йўлакда эшик йўқ, — дейди қуониб 26-хонадон соҳибаси Элла Рюмкина. — Табиий газ, электр энергияси таъминотига чидаб бўлади. Бироқ хонадонларимизнинг иситилиши



масаласида тоқатимиз тоқ бўлган. Бу муаммо ҳар йили кўтарилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатининг ҳам, маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳам, хатто шаҳар ҳокимлигининг ҳам ҳавари бор. Лекин уларнинг бу борада ўзгариш ясашга ҳафсалалари йўқдек...

Хонадон беқаси гапларини эшитаяпмиз, Юртбошимизнинг яқинда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида айтган сўзларини эслаймиз: «Навбатдаги устувор вазифа — уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ



қилиши ниҳоятда жиддий эътибор қаратишдан иборат... Кўп қаватли уй-жой фондидан бошқариш иши мутлақо қонқарсиз аҳволда».

Дангаллини айтганда, маҳалладаги бошқа кўп қаватли уйлари ҳам бугунги ҳолатини яши, деб айтиш қўнин. Уларнинг аксарияти ташмирталаб. Қор ва ёғир ёвса юқори қаватда яшовчилар томдан томчилаб сув ўтиб кетишидан безор. Сув чикмайди, қўшма мажлисида айтган сўзларини эслаймиз: «Навбатдаги устувор вазифа — уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ

ған аҳолини, балки уй-жой мулкдорлари ширкатларини, маҳалла фуқаролар йиғинини, қолаверса шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддиларни ҳам ташвишга солаётгани табиий, албатта. Аммо, қуруқ ташвишдан уй исмайди. Қаердандир маблағ ажратилиши қутиб ўтирилса, одамлар нима қилсин, нахотки ички имкониятдан фойдаланиб аҳоли ўта оғир уйлари бироз бўлсада тартибга солиш мумкин бўлмаса?..

ИБРОҲИМ ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири Шавкат АКРАМОВ (фот)

Узгартишдан дарак йўқ... — маҳуллади унинг гапларини 17-уйнинг 30-хонадониди

Бундан қарийб беш йил аввал «Китобдонмаҳсулотлари» очик акциядорлик жамияти қошидаги «Кийёт» фермер хўжалиги бошлиғи Мустафо Шарипов билан бош ҳисобчи Рустам Азаматов яхши бир зегу режани амалга оширишга қарор қилган. Уларнинг нишлари арпани қайта ишлайдиган кичик қорхона ташкил этиш эди. Маълумки, Қашқадарё вилоятида қўллаб арпа этиштирилади, лекин уни қайта ишлаш масаласида муаммолар кўп эди. Шу боис этиштирилган арпанинг асосий қисмидан қорва молларига ем сифатида фойдаланиларди. Фермер ва унинг ходими ушбу режани амалга ошириш, лойиҳани маблаг билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат «Пахта банк» Қашқадарё вилоят бошқармасининг туман бўлимига кириб келишди.

— Бангдагилар бизни очик чехра билан кутиб олишди, — дейди Мустафо Шарипов. — Улар ишни қулай ва арзон тарзда бошлаш йўлини ўргатишди. Ниҳоят Германия Федератив Республикасининг «NAGEMA» Handels desellshatt mbh фирмаси орқали арпани қайта ишлаш кичик заводни сотиб олдик. Банк эса ушбу лойиҳага Германиянинг КФВ банки кредит линияси орқали узоқ муддатли 517355 дойч марка миқдорда кредит ажратди. Шу тариқа хўжалигимизнинг чет эл валютасида ҳисоб рақами очилди.

— Шартнома шартлари қандай баҳарилантипти? Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати...

— Хозирча ишларимиз ёмонмас, — дейди бош ҳисобчи Рустам Азаматов. — «Кийёт» фермер хўжалиги ва «NAGEMA» фирмаси ўртасида тузилган шартномага кўра, завод 2000 йил 28 август кунин қабул қилиб олинди. Уша кунни тегишли хужжатлар ҳам имзоланди. 1 сентябрь кунин эса завод ишга тушди. Қуввати қисқа муддатда лойиҳадаги даражага чиқди: соатига 1 тонна арпа қайта ишланмоқда. Ҳозирча завод ишга қайта ишланмоқда. Утган беш йил ичида хўжалик қарийб етти минг тонна арпани қайта ишлади. Тайёр маҳсулот — ёрманинг харидори қўлайиб, тезда сотилиб ҳам кетди... Айни кунларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида янги-янги режалар тайёрланди. «Пахта банк» доим мададор.

Банкнинг Сурхондарё вилояти Учкизил филиали томонидан 2004 йил 8 сентябрь кунин Даврон Юсуповнинг «Тойиржон» кичик қорхонасига полистилен куворлар ишлаб чиқариш учун банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 25 млн. сўм узоқ муддатли кредит ажратилган.

Кредит ҳисобига 15 нафар янги ишчи ўрни яратилди. Миқоз 4 ой давомида 9 млн. 250 миң сўмга полистилен кувор, плитка ва пластмасса рама ҳамада эшиклар ишлаб чиқариб, 5 млн. 600 миң сўмлик маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берди. 2005 йил 1 январь ҳолатига соф фойдаси 4 млн. 850 миң сўмни ташкил қилди.

Бухоро вилояти Галласойё филиали томонидан 2004 йилнинг 17 август кунин Хасан Норхамидов раҳбарлигидаги «Мибӯхсан» масъулияти чекланган жамиятига шинни ишлаб чиқариш учун 30,0 млн.

сўм узоқ муддатли кредит берилган.

Кредит ҳисобига қорхона 13 нафар ишчини иш билан таъминлашга эришди. Ҳозирда қорхона асосан узум маҳсулотидан шинни ишлаб чиқармоқда. Ҳозир вақт мобайнида 144 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Қорхона асосий эътиборни экспортга қаратмоқда. Ҳозирги кунда Россия Федерациясининг «НТЗО» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти билан 972 миң АҚШ долларига маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузилган ва «НТЗО» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятига 34 млн. сўмлик маҳсулот экспорт қилди. 2005 йил 1 январь ҳолатига соф фойдаси 12 млн. сўмни ташкил этди.

Хоразм вилояти Қоровул филиали томонидан «Наврўз» масъулияти чекланган

(параметрига) асосан 2004 йил давомида «Пахта Банк» тизимида кичик бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 13,6 млрд. сўм кредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда эса 4288 та лойиҳа бўйича 14,4 млрд. сўм кредит ажратилди ва бу кўрсаткич 105 фоизга баҳарилди.

Шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан 1452 та лойиҳа бўйича 3,1 млрд. сўм маблаг ажратилди.

«Пахта Банк» тизими бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2004 йил давомида жами 6940 та лойиҳа бўйича 17,5 млрд. сўм кредитлар ажратилди, шундан микрокредитлар суммаси 10,6 млрд. сўмни ташкил этди, ўтган йилга нисбатан жами ажратилган кредитлар 103

Дехқон ва фермер хўжаликлари ҳама кичик бизнес бошқа субъектларининг бошланғич сармояларини шакллантириш мақсадида 1607 та лойиҳа бўйича 1,6 млрд. сўм кредит берилдики, бу ўтган йилга нисбатан 1,6 марта кўпдир.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида эса 2525 та лойиҳа бўйича 1,8 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди, бу ўтган йилга нисбатан 1,4 марта кўпдир.

Шунингдек, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан, жорий йил давомида 585 та лойиҳа бўйича 1186,1 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Кичик бизнес субъектларини, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялашти-

октябрдаги ПФ-3342-сонли Фармони ва Базириллар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Пахта банк» томонидан амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурга асосан қатор семинарлар ўтказилиб, фермер хўжаликлари раҳбарлига янги механизм моҳияти, имтиёзли кредитлар олиш тартиби, уларга қўрсатилётган банк ва молиявий хизматлардан фойдаланиш борасида тушуنча ва маълумотлар берилди. Фермерларга хизмат кўрсатаётган 183 та банк филиаллари ва барча минибанклари те-

650 миң АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилиши учун иккинчи кредит линияси (транс)га шартнома имзоланиб, ушбу кредит линияси маблағлари Эллисқалъа, Марҳамат, Нишон, Шеробод туманларида жойлашган фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи қорхоналарга қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамада эҳтиёт қисмлари сотиб олиш учун ажратилди.

Шунингдек, Осиё Тарақиёт банки кредит линияси маблағлари ҳисобидан 2004 йилда 109 та фермер хўжаликга қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун 762,9 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Шу билан бир қаторда «Пахта Банк» филиаллари ва қишлоқ хўжалиги қорхоналари ўртасида кредит муносабатларини такомиллаштириш мақсадида орттирилган тажрибалар ва банкка жалб қилинган Жаҳон банкининг маслаҳатчиси тавсияларини инобатга олган ҳолда, «АТ-Пахта банк» тизимида қишлоқ хўжалиги қорхоналарига кредит бериш тартиби» янги таҳрирда ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланишида техника таъминоти асосий ўрин эгаллашини инобатга олиб, банкнинг ўз ресурслари эвазига қишлоқ хўжалиги қорхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам молиявий кўмак берилмоқда. Жумладан, «Пахта банк» тизимида ўтган 2004 йил давомида қишлоқ хўжалиги ва уларга хизмат кўрсатувчи қорхоналарга қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамада эҳтиёт қисмлар хариди учун жами 1380 та хўжаликка 19 млрд. 316 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 8 млрд. 879 млн. сўмга ёки 54 фоизга ошди.

Шу билан биргаликда аграр тармоқга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 1 млрд. 321 млн. сўмлик 75 та қишлоқ хўжалик техникаси лизинг асосида берилди. Бу кўрсаткич 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 750,6 млн. сўмга ёки 43,2 фоизга ўсди.

Шунингдек, фермер хўжаликлари қулайликлар яратиш, уларга банк хизматларини яқинлаштириш мақсадида «Пахта банк» томонидан маҳаллий шартнолардан келиб чиқиб, фермерларга қулай бўлган худудларда қўшима 96 та минибанк ташкил этилиб, уларнинг сони 312 тага етди. Ҳозирда минибанклар мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилда ҳам қишлоқ хўжалиги ва уларга хизмат кўрсатувчи қорхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида чет эл кредит линиялари бўйича инвестицияларни жалб этиш, кредитлар бериш, уларга лизинг хизматлари кўрсатиш, минибанклар тармогини кенгайтириш, мижозларга малакали банк хизматларини кўрсатиш, ўтказилаётган амалиётларни ўз вақтида тез ва сифатли бажариш ҳамада мижозларнинг сони-ни доимий равишда ошириб бориш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Шоҳайдар МИРҲАБИВОВ,
Мирбахтаёр МИРҲАБИВОВ,
«Ўзбекистон Овози»
муҳбирлари

Саломатлик сандиги

ХУНЗА ҚАБИЛАСИНING СИРИ

Олий тоифали шифокор Ҳақимбой МўМИНОВ узоқ йиллар илимий изланишлардан сўнг инсоннинг соғлиғи, умрини узайтириш кўп жиҳатдан ўз қўлида деган ҳулосага келди ва «Соғлиқ масъулияти» китобида шундай одамларнинг ҳаёт тарзига назар солди. Куйида китобда келтирилган манбалардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Химолай тоғларида, денгиз сатҳидан 2000 метр балангликда қадимда хунза қабиласи яшаган. Маълумки, улар дунёдаги энг узоқ умр кўрадиган одамлардан ҳисобланишади. Ҳўш, уларнинг турмуш тарзи қандай? Узоқ умр кўришларининг сирини нимада? Хунзаликларнинг ҳаёти қайси жиҳатлари билан алоқадор?

Уильям Говард Хей 1866 йилда АҚШнинг Пенсилванния штатида туғилган, касби жарроҳ-шифокор. У 41 ёшга кирганида гломерулонефрит (буйрак шомолаши) касалига чалинган, сал ўтмай жафакон (гипертония) ва юрак хасталиғи ҳам бошланган. Ҳамкасблари Хейнинг дардида даво топишолмаган, энг яқин шифокор дўсти: «Узиндан қолар қан йўқ. Уильям энди сени даволаб бўлмайди, охирач тадоригини ўйла» деб маслаҳат берган. Касаллик туфайли вазини 25 килограммга тушиб қолган, уни руҳий изтироб эза бошлайди. «Ашшаим керак! Қандай бўлмасин бунинг улдасидан чиқини керак!» Бемор ўлимига таслим бўлишни истамасди. Шундай укубатли кунларнинг бирида тасодифан қўлига полковник Мак Гаррисоннинг Хунза қабиласининг ҳаёт тарзи ҳақидаги ахбороти тушиб қолди. Уни ўқиган бемор қаттиқ ҳаяжонга тушади, қабиланинг турмушини ўз кўзи билан кўришга аҳд қилади, афсуски, саломатлиги панд беради.

Хунзаликларнинг ҳаёт тарзи мана бундай экан. Улар яшайдиган маконда ҳар қарич ер ҳисобда, сув тақчил, тирикчилиги дехқончилик, чорвачилик. Қишда тоғ уйларда, ҳарсангдан ясалган суцачаларда ухлашган. Уилларини кўрүк шох-шабаба ёқиб иситишган, мол-ҳолларини ҳам уйнинг бир қисмида сақлашган. Қабилдагилар баҳорда майса, кўкат, ёзда мева-чева, айникас, тоғолча, ўрик, кўзда полиз маҳсулоти, қишда дон, қуритилган мева қўқини ейишган. Баланг тоғ бағрида ўт қамлигидан сугир, эчкилари кам суг берган. Моллари қариб, сугдан қолгандагина сўйиб таноули қилганлар. Шунинг учун гўштлари ёғсиз бўлган. Мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни табиийлиги, ҳамлиги, истеъмол қилганлар.

Хунзаликлар озгин, эпчил бўлган, тоғ-тошда енгили югуриб юришган, 100-200 километр масофага бемалол «ғириллаб» бориб келишган. Баҳор, ёз, қузда — 8-10 ой мобайнида очик ҳавода ухлаганлар. Мўҳими, қабилдашлар ўзаро жуда хушмуомала, очик кўнгли, хушқачмак, самимий муносабатда яшаганлар ҳеч қачон асабийлашмаганлар. Бу ерда касалхона, ҳаммом йўқ, ҳатто совун ишлаштирмаган, аммо ниҳоятда топ-тоза, озода юришган, ораста, тоза кун кечирishiга одатланишган. Хунзаликлар шундай камсўқум турмуш тарзи билан ўртача 100-

120 йил умр кўришган.

Хунзаликларнинг турмуш тарзидан хабардор бўлган Уильям Говард Хей ўз турмуш тарзини, оқватлаш тартибини бутунлай ўзгартирган. У асосан мева, сабзавотларни ҳамлиги, ейишига ўтган, жисмоний харақатни кўпайтирган озиқ-овқатларнинг турли туманлигида, меъерига жиддий эътибор берган. Шу тариқа у ой деганда унинг вазини 80 килограммга кўтарилди, соғлиғи тиклана бошлади, орадан бир йилча вақт ўтган, бақувват «йилги»га айланган.

Говард ўзининг шундай кузатишлари асосида шундай ҳулосага келди: инсон танасидаги бир ёки бир неча азоси «ишдан чиқиб қўзилганда» ҳам табиий оқватланиш уларнинг фаолиятини тиклаб, изга солади. Бунда инсон нимага кўпроқ эътибор бериши керак? Ававало, у бемор бўлса, соғайиб кетишига қаттиқ ишонмоғи, тинимсиз харақат қилмоғи зарур. У оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириши ўз гавадаси, ошқозон-ичак тизими имкониятларидан келиб чиқиб, оқватланиши ташкил қилиши керак.

Доктор Хей «Саломатлики муттасил сақлаш учун оқватланиш тартибини ва жисмоний фаол турмуш тарзини тўғри ташкил қилиш керак» деган гояни илгари сурди. У парhez-шунослик соҳасида илимий тадқиқотлар олиб борди. Турли беморларни ўз услуби билан даволади, юз ёшга яқин умр кечирди.

«Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», деб бекорга айтилмаган-да!

Санда САЙХҲҲҲ тайёрлади



Осмонулар бино ёниб кетди

Мадриднинг марказида жойлашган Кастельян шох қўчасида ёнган содир бўлди. Шаҳардаги машҳур 32 каватли «Виндзор» осмонулар биноси ярим кечаси ёниб кетди.

Ёнғин бинонинг 21-қаватида бошланган. Навбатчиликда турган икки нафар кўриқчи оловни ўчиришга харақат қилган. Бироқ аланга бир зумда бинонинг бир неча қаватини қамраб олган. Ёнғин оқибатида ҳеч қим ҳалок бўлгани йўқ.

Ёнғиннинг бартаф эътиб бўлмади. Бинонинг бутунлай ёниб битишини кутишдан бошқа чора қолмади.

Мадрид муҳтор вилояти президенти Эсперанса Агирениннг маълум қилишича, бу Испания пойтахтида 50 йил давомида рўй берган энг йиррик ёнғин бўлди.



Ироқда 30 январь кунин ўтказилган сайлов натижалари эълон қилинди. Унга кўра, савкиз ярим миллион сайловчи овозининг даярили яримини Оятилло Али Систиани шафелигидаги шиалар қўлга киритди. Тахминларга қараганда, айнан шу сиёсий блок Бош вазирини тайинлайди.

Овозларнинг тўртдан бир қисмини олган курдлар партиясини иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Туркия Ташқи ишлар вазирлиги шу муносабат билан баёнот берди. Баёнотда айтилишича, курдлар сайловлар давомида айрим афзалликларга эришган. Туркиянинг фикрича, бу ҳол ўтиш даври парламентиди Ироқ жамияти таркибини тўғалигича ақс эттирмайди.

Айни пайтда, овозлар тақсимланишини ҳисобга олган

АСОСИЙ ВАЗИФА — КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Айрим сиёсатчиларнинг айтишича, курдларнинг сиёсий фаолиги Ироқ шимолида мустақил Курдистон давлати барпо этилишига олиб келиши мумкин. Анқара эса янги давлатнинг пайдо бўлиши Ироқ чегараси яқинида яшовчи туркиялик курдларни айрмачилик харақатларига раҳлантиришдан чўчимоқда.

Учинчи ўринни Бош вазир Оят Алави партиясини вакиллари эгаллашган.

Саддам Ҳусейн ҳукмронлиги даврида қўлгина лавозимларини эгаллаб турган суннийлар бу сайловларга қарши чиқишга уринишди. Шиалар уларни сиёсий жараёнлардан четлашмасликларини маълум қилишди.

Айни пайтда, овозлар тақсимланишини ҳисобга олган



холда, парламентда курдлар партиясини муҳим рол ўйнаши кутилмоқда. Курдлар президент лавозимини эгаллашга харақат қилишмоқда. Бу лавозимга уларнинг партиясини Жалол Талабонинг номзодини илгари сурмоқда.

Ироқ сайлов комиссияси вакилининг сўзларига қараганда, барча даъво аризалари уч кун ичида кўриб чиқилади.

АҚШ ва Буюк Британия Ироқда ўтказилган сайловлардан мамнун эканликларини билдиришди. АҚШ президенти ўз баёнотида террорчилар ҳужумидан қўрқмасдан «эркин ва одилона» сайловда қатнашганлари учун ироқликларга

миннатдорчилик билдирди. Ироқ халқига шу маънодаги табрикномани Британия ташқи ишлар вазирини Жек Стро ҳам жўнатди.

Мамлакатда президент ва бош вазир сайланган, миллий ассамблеянинг асосий вазифасини янги Конституцияни қабул қилишдан иборат бўлади.

Хуришд РАҲПОВ

Собиқ бош вазир портлаш қурбони бўлди



Ливан пойтахти Байрутда қучли портлаш рўй берди. Оқибатда мамлакатнинг собиқ бош вазирини Рафиқ Ҳарири ҳалок бўлди. Маълумотларга кўра, портлаш натижасида 9 одам ҳалок бўлган. Портлаш рўй берган жойда катта ўра пайдо бўган. 20 га яқин автомашинага зарар етиб, яқин орадаги бинолар катта талафот кўрди.

Террорчилик амалиёти учун жавабгарликни «Ан-Наср ваъл-ҳод фи биллад аш-Шам» гуруҳи ўз бўйига олди.

Маълум бўлишича, террорчилик харақати айнан собиқ бош вазир Рафиқ Ҳаририга қарши қаратилган. Ҳарири Ливанни фуқаролар урушидан кейин бошқарган. У ўтган йили ҳукуматдан кетиб муҳолифатга ўтган эди. Гап-сўзларга қараганда, собиқ бош вазир ва амалдаги президент орасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган.

Энг яхши фотосурат

Амстердамда фотожурналистика соҳасида энг нуфузли ҳисобланган World Press Awards 2004 мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Reuters агентлиги фотомуҳбири ҳиндистонлик Арко Датта-нинг фотосурати энг яхши асар дея эътироф этилди.

Фото 2004 йилнинг 28 декабрь кунин ишланган эди. Унда Жанубий Осиёдаги туффон оқибатида ўз қариндошларини йўқотганидан фарёд чекаётган аёл акс эттирилган.



«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига ОҚКЎНГИЛ ОДАМЛАР ОМОН БЎЛСИН

Берунийлик 108 ёшли Сара момо САПИЯЗОВАнинг айтишича узоқ умр кўриш сабаблари — меҳнатсеварлик, оқкўнгилик, қувноқликда. Бу фазилатлар ҳозир ҳам уни тарқ этгани йўқ

108 ёшли момо билан сўхбатлашим осон бўлмаса керак. Олдиндан хабар қилганимиз, фарзандлари, набиралари кўмак беришди, албатта. Тўриси, Беруний туманининг Шоббоз қишлоғидаги Сапиязовлар хонадонига ақинлашганимизда кўнглимдан шу фикрлар ўтди. Аммо одашон эканман. Момо мен билан танишиб олгач, хамроҳим — туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Бахтиёр Матқубовни суриштирдим.

— Малика опанинг ўғли булар, — таништирди набиралар.

Момо бир зумда эски кўшинининг бутун оила аъзоларини эслаб, Бахтиёр билан сўрашди. Каттагина хонхата атрофига ҳам сийғишмайроқ ўтирган бир неча авлод вақиллари даврасида Сара ана сўхбат жолоғини ҳеч кимга бермади. Бир чеккадан даврадагиларни таништирди. «Мана бу қузим Пошшажон, унинг ёнидагиси қувим — Қўзибой». Кейин у набираларини, набира келинларини, звараларининг исмини ҳам янглишмай битта-битта айтиб чиқди.

— Узоқ яшашнинг сирини дейсанми, қузим? — Болаларим мени яхши парвариш қилишадиди, — ана ҳамма оналарга хос фазилат — жигарбандларини макташдан бошлади. — Айниқса, Рўзимбой ўғлим. Бир жойга кетиб, сал кечикса, ушланиб қолди, хавотирланмай ўтириб, деб хабар қилади. Ишга кетишдан олдин хайрлашиб, келганида тўғри олдимга кириб, аҳвол сўради. Тунлари ҳам хонаминг эшигини икки-уч марта очиб, «Яхши ётибсизми, она?» деб сўраб кетарди. Афсус, икки ўғлим ҳам эрта кетди, ҳеч ким фарзанд доғини кўрмасин, — энанинг кўзлари ёшланди.

— Қўйинг ана, йилламанг, касал бўлиб қоласиз, — дейишди фарзандлари ва гапнинг нишани бошқа томонга буриб юборишди. Набира келин дастурхонга иссиқ қатлама патирларни келтириб қўйди.

да даволаниш ёрдам беради, дейишди. Фарзандлар сихатгоҳни маъқул қиришди. Қувё Қўзибой ака энага хамроҳ бўлди.

— Бизда бедарлар гуллаб турган эди. Москвага тушсак, бир совуқ, қор гулпиллатиб турибди, денг. У ердан «Трускавецга» учдик. Сихатгоҳнинг дўхтирлари қувёмга «90 ёшли кампирни шундан-шунга судраб, нима қилардингиз?» дейишган экан, сўнг соғлигимни кўриб, гапларига пушаймон бўлишди. «Кам деганда 120 ёш яшайсиз», — деди кекса дўхтир. Лекин десанг сихатгоҳнинг овқатини ея олмадим. Қувём ижара ўйда туриб, ўзимизнинг овқатлардан пишириб, йўқлаб турди. Шу-шу соғлигим яшилди...

Энди ана Украинадаги «Трускавец» сафарини хотирлай бошлайди. Дўхтирлар Сара момога ўт қотингизда тош бор, ё жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш керак, ё «Трускавец» сихатгоҳлари...

— Унда сенга беш мингга бераман, — деди ана. Гурра қулги кўтарилиди.

— Бир синглим бор — 80 ёшда, Урганчда яшайди, тўйларда лапар айтиб, рақсга тушади. Тез-тез келиб туради, «бормисиз, опа», деб...

— Узингиз-чи, сиз ҳам лапар айтасизми? — дейишим билан ана узоқ уйлаб ўтирмай, хаёлига келган қўшиқни айта бошлади: Шимом ёпта отганим новотдир. Изимда бир бово бағри қавобдир. Айтдилар ошқиклини гуноҳ деб, Ошиқнинг қўйида ўлмоқ савобдир.

— Одатда бундай қўшиқларда «Йигит» дейиларди? — хайронлигимни яширмайман. — Ёшлигимда мен ҳам «Йигит» деб айтганман, — момонинг ҳазилдан яна қулги кўтарилади. У ёқ бу ёқдан гурунлашиб, эндан набираларининг қаерда ишлари, топил-тутили, томорқалари 24 сотих эканлиги, шу ердан қайси экандан қанча ҳосил олишлари ҳақида билиб олдим. Шуниси қузикки, ана саволларимнинг биронтасига ҳам уйланиб турмай жавоб берди. Гап оҳангиди, дуо фотоҳаларида замондан мамнўлти кўриб турарди.

— 14 ёшимдан узатиб юборишди. Қолхозда эртадан кечгача ишладим. Арава хайдаб, қўш қўшдим, канал қазиб қўйналдим. Очарчиликни, қаҳатчиликни кўрдим. Бутун бир оила бир кило жүжори уни билан бир ҳафта яшаганмиз, десам набираларим ишонмайди. Илойим сира ишо-нишмасин, бундай кунларни кўришмасин! Оданинг кўнгли тоза бўлса, иши ҳам, умри ҳам бароридан келади. Ўзимни гай-ирликдан тийдим, шунинг учун доим дилим чоғ. Биров бошим оғриятти деса, чин кўнглидан қул, тарқайди, дейман. Оқкўнги одам узоқ яшайди.

Болам, газетдан бўлсанг бир гапни ёз, момо айтиди де. Юз йил яшаб бугунгидек тўкин-со-чинли кунларни кўрмадим. Шурқ қилиш керак, хар кунни қадрига етиш керак.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири



Спорт УЧРАШУВЛАР ВАҚТИ АНИҚ

Куала-Лумпурдаги ОФК қароргоҳида Осиё чемпионлари лигасининг навбатдаги баҳсларига қуръа ташланди. Мазкур нуфузли мусобақанинг бултурги қатнашчилари Фарғонанинг «Нефтчи» («С» гуруҳи) ҳамда Тошкентнинг «Пахтакор» («Д» гуруҳи) жамоалари бу йил ҳам голиблик учун майдонга чиқадилар. Қуръага қўра, мусобақаларга 9 март кунини старт берилди. Шу кун фарғоналиклар ўз майдонларида Қувайтнинг «Ал-Қувайт» футболчиларини қабул қилса, пахтакорчилар Сурияда «Ал-Жаиш» жамоаси меҳмони бўладилар. Вақилларимиз иштирок этаётган гуруҳлардаги иккинчи учрашувлар қўйидаги жамоалар ўртасида уюштирилади: «С» гуруҳи: «Ал-Садд» (Катар) — «Ал-Аҳли» (БАА), «Д» гуруҳи: «Ал-Завра» (Ироқ) — «Ал-Аҳли» (Саудия Арабистони).

Юртимиз футбол клублари ўз гуруҳларидаги қолган ўйинларни қўйидаги кунларда ўтказиши мўлжалланган: 16 март. «Ал-Аҳли» — «Нефтчи», «Пахтакор» — «Ал-Завра», 6 апрель. «Ал-Аҳли» — «Пахтакор», «Нефтчи» — «Ал-Садд», 20 апрель. «Ал-Садд» — «Нефтчи», «Пахтакор» — «Ал-Аҳли», 11 май. «Пахтакор» — «Ал-Жаиш», «Ал-Қувайт» — «Нефтчи», 24 май. «Ал-Завра» — «Пахтакор», 25 май. «Нефтчи» — «Ал-Аҳли».

12 февраль кунини мамлакатимиз чемпиони — «Пахтакор» футболчилари ўқув-масгулот йиғинини ўтказиш учун Туркияга жўнаб кетди. Миллий терма жамоа асосини ташкил этган пахтакорчилар бу ерда 22 февралга қадар масгулотларда қатнашадилар.

Бош мураббий Тачмурод Агамурадов шогирдлари шу вақт мобайнида маҳаллий клублар билан бир неча ўртоқлик назорат учрашувларида қатнашадилар. Маълумотларга қараганда, жамоа раҳбарлари мазкур ўқув-йиғинига қатор хориқлик футболчиларни ҳам тақлиф этган. Жумладан, Нигериянинг «Энугу рейнжерс» клуби ҳужумчиси, 20 ёшли Жуниор Осади айни пайтда мураббийлар кўригидан ўтмоқда.

ЎЗ ДАРВОЗАСИГА ТЎП УРДИ

Миланинг «Интер» футбол клуби мамлакат чемпионатида мағлубиятсиз уйнаётган жамоа бўлиб турибди. 24-турда «Интер» ўз майдонидида пойтахтнинг «Рома» жамоасини қабул қилиб, дарвозага иккита жаовбсиз тўп киритди. Утган йилги чемпиони «Милан» футболчилари эса сафарда «Реджина» клубини доғда қолдирдилар. Қизғин шундаки, бу ўйинда мезбонлардан-Замбони кутилмаганда ўз дарвозасига тўп киритиб юборди.

«Ювентус» эса ўз майдонидида «Удинезе»ни қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Ҳозир бу жамоа чемпионатда пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Милан»да пешқадамдан иккита очко кам. «Интер» учинчи ўринда бормоқда.

ЧИПТАЛАР СОТИБ БЎЛИНДИ

Қарий 4 ойдан кейин бўладиган қизқарли бокс жангини муҳлислар ортиқча қутишмоқда. Россиялик Константин Цзо билан Рикки Хаттон ўртасида ўтказиладиган жангини кўриш учун ажратилган 22 мингта чиптанинг барчаси ҳозирданок сотиб бўлинди. Биринчи ўрта ярим вазнлилар ўртасидаги жангда кимнинг жаҳон чемпиони бўлишини эса вақт кўрсатади.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV
TAHRIR HAY ATI: Abdulla Oripov, Asiddin Rustamov, Ashur Qodirov, Bobir Alimov, Habib Sa'dulla, Norbobo Shakarov
MUASSIS: O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi
BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro haqda, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Bukxorida, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchesi: Xurshid RAUPOV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Iltomjon ISMOILOV. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonamiz: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiy ruxsat bilan amalga oshiriladi. G — 155. 11284 nusxada bosildi. t — Tijorat materiali. O'ZA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5. Satuvda erkin narxda.

Хикматли сўзлар МАЪНОСИ

ХОМСАН, ПИШАРСАН, ДАБДАБАНГАН ТУШАРСАН «Олма хомдир, пишади, пиша, паства тушади». Бу мақолларни «Сен гурурлана-япсан-у, аммо хали дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрга-

нинг йўқ, тотиб кўргангидан кейин худа-беҳудага мағрурланмайдиган, ўзингни камтар оладиган бўлиб қолсан», деган маънода кўпинча ёшларга қарата айтдиладар.

орасида қулқондан қулқоққа етиб, оғиздан оғизга ўтиб, тез тарқалади», деган маънони англатувчи мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари бор: «Хушхабар қанотсиз учади»; «Хабар — шамолдан тез»; «Уз оёқдан илгари боради»; «Бир — хушхабарнинг қаноти бор, бир — нохуш хабарнинг» (Хушхабар каби нохуш хабар ҳам тез тарқалади).

«ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ акциядорлари диққатига

2004 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги акциядорларнинг умумий мажлиси Тошкент шаҳар, Юнусов тумани ҳокимлигининг мажлислар залида, 2005 йил 17 март соат 12.00 да бўлиб ўтади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 11.00 да бошланади.

- КУН ТАРТИБИ:**
- «Олой деҳқон бозори» ОАЖнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
 - Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ҳисоботини тасдиқлаш.
 - 2004 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
 - Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йил фаолияти ҳисоботини кўриб чиқиш.
 - 2004 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
 - Жамиятнинг 2004 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсими ва дивидендлар миқдори ҳақда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
 - Жамият бошқаруви раисини сайлаш.
 - 2005 йилги иш режаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш.
 - 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
 - 2005 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
 - Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

2004 йил молиявий натижалари

Балансининг актив қисми	Минг сўм	Балансининг пасив қисми	Минг сўм
Асосий воситалар қолдиқ сумма	1320546,9	Устав капитал	50899,0
Узоқ мuddатли инвестициялар	733,0	Тақсимланмаган фойда	22562,3
Ишлаб чиқариш захиралари	2368,3	Максадли тушум ва фондлар	479495,1
Товарлар	57560,1	Узоқ мuddатли қарзлар	901189,1
Кечиктирилган харажатлар	55723,6	Бюджет бўйича қарзлар	8789,4
Келгуси давр сарфлари	324,6	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	3601,6
Пул маблағлари	8698,1	Мол етказиб беришчиларга қарз	1299,2
Бошқа дебиторлар	26123,0	Уюшма корхоналарига қарзлар	733,3
		Бошқа кредитлар	1383,5
		Максадли Давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	2125,1
Баланс	1472077,6	Баланс	1472077,6

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2005 йил 15 февраль ҳолатига биноан тузилади. Мажлисга тайёрланган ҳўжатлар билан жамият бошқаруви идорасида 2005 йил 10 мартдан танишиш мумкин. Акциядорларни рўйхатга олиш манзилгоҳи: Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 72-уй. Жамият Кузатув кенгаши

Савдо ва тижоратга қўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Сурайё Абдусатторовна Тошбоевага падари бузуқворни АБДУСАТТОР отанинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия иҳор этади.

ОАО «СРЕДАЗЦВЕТМЕТЭНЕРГО»

24 марта 2005 г. проводит общее собрание акционеров по адресу: г.Ташкент, ул.Уйгура, 314. Начало регистрации: 9 час. 00 мин. Повестка дня: 1. Годовой отчет Общества об итогах работы за 2004 г. 2. Утверждение акта ревизионной комиссии по итогам работы за 2004 г. 3. Утверждение аудитора общества и аудиторского заключения за 2004 г. 4. О бизнес-плане на 2005 г. 5. О продлении контракта с генеральным директором общества. 6. Выборы Наблюдательного Совета общества. 7. Утверждение дивидендов на 1 акцию по результатам за 2004 г. 8. О вознаграждениях членам наблюдательного совета, ревизионной комиссии, исполнительному органу и доверительному управляющему. Список акционеров составлен по состоянию на 22 февраля 2005 г. За дополнительной информацией обращаться по тел.: 49-40-49.

Список аффилированных лиц ОАО «Средазцветметэнерго»

Ф.И.О.	Занимаемое положение	Количество ценных бумаг (шт.)	В том числе по видам:		
			акций (шт.)	облигаций	производных
Абсаматов Ю.А.	Член Наб.Совета	71	71	0,07	-
Визирова Н.А.	Член Наб.Совета	0	0	-	-
Галкин Ю.Н.	Член Наб.Совета	744	744	0,7	-
Гулушвили Б.В.	Член Наб.Совета	613	613	0,6	-
Киселев В.П.	Презд. Наб.Совета	3018	3018	3,0	-
Корнеев Б.Н.	Член Наб.Совета	18900	18900	18,9	-
Костецкий М.О.	Довер.управляющий Ген.директор	5745	5745	5,7	-
Кулашев Ш.	Член Наб.Совета	102	102	0,1	-
Полных В.В.	Член Наб.Совета	26784	26784	26,8	-
Шахруни А.К.	Член Наб.Совета	42	42	0,04	-

Согласно положению «О раскрытии информации участниками рынка ценных бумаг» АО «Средазцветметэнерго», расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.Уйгура, 314, доводит следующее сообщение 07: Наблюдательным Советом ОАО «Средазцветметэнерго» 14 февраля 2005 г. принято решение о закрытии реестра акционеров и составлении списка владельцев ценных бумаг на 22 февраля 2005 г.

ГОДОВОЙ ОТЧЕТ ОАО «СРЕДАЗЦВЕТМЕТЭНЕРГО» ЗА 2004 ГОД

1. Общие сведения		2. Отчет руководителя	
Наименование	Почтовый адрес	Наименование	Показатели бизнес-плана 2004 года выполнены полностью.
Руководитель	Генеральный директор Костецкий Михаил Олегович	Отчет руководителя эмитента о результатах ФХД за отчетный год	Темпы роста производ. продукции, работ и услуг составили 112%.
Наименование реестродержателя	Национальный депозитарий «БАКТ»		Рентабельность 17%.
Депозитарий	НД «БАКТ», «ТАТ-Реестр»		Освоено производство 3 новых видов продукции.
Аудитор	АФ «САДАФ АУДИТ» аудитор Айтимбетов Т.		Средняя зарплата выросла на 16%.

3. Сведения об изменениях в персональном составе должностных лиц

Должность	Изменение
1. Члены Ревизионной комиссии	Выбыли Боркун А.Ш., Ахметчина А.Ш. Избраны Бабаева Э.А., Достмухамедова Д.Р.

Наименование показателей	№ стр.	На отчетный период		Наименование показателей	№ стр.	На отчетный период	
		1 января 2004	1 января 2005			1 января 2004	1 января 2005
АКТИВ				ПАССИВ			
длительные активы	130	207365	208348	источник собственных средств	480	304880	315243
текущие активы	390	101858	117790	обязательства	770	4343	10895
Всего по активу	400	309223	326138	Всего по пассиву	780	309223	326138
баланса (110+310)				баланса (400+550)			

Показатель	Доходы		Расходы	
	2003 год	2004 год	2003 год	2004 год
1. Выручка от реализации продукции, работ, услуг	199473	164295		
2. Расходы			148054	119300
3. Чистая прибыль (убыток)	31136	30390		

6. Отчет аудитора о финансовом состоянии ОАО
1. Наименование аудиторской фирмы (адрес, тел) номер и дата выдачи лицензии № 00306 от 22 ноября 2001 г.
2. Заключение аудитора 1 февраля 2005 г. положительное